

ОАВ: Facebook диний адоватни қўзғатадими?



14:00 / 25.10.2021 1336

The Wall Street Journal нашрининг ёзишича, facebook Ҳиндистонда диний адоватни қўзғатишга ўз ҳиссасини қўшган, дея маълумот берган. Маълум қилинишича, 2019 йилнинг охири ва 2020 йилнинг бошида платформада зўравонликка ундаш ва қўзғатувчи материаллар сони уч баробарга ошган. ОАВларнинг таъкидлашича, бундай контент facebook нинг WhatsApp мессенжери ёрдамида ҳам тарқатилган.

Журналистлар 2020 йилда Нью Дели кампусига қилинган ҳужум ва компания платформаларида мусулмонларнинг коронавирус тарқалишидаги айбловларининг ортиши билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини даъво қилмоқда. Нашр маълумотларига кўра, ўша пайтда кўплаб фойдаланувчилар зиддият ва зўравонликни рағбатлантирувчи кўплаб материалларни пайқашган.

Провокацион контент жойлаштириш трафикни ва фойдаланувчиларнинг ижтимоий тармоқдаги умумий вақтини оширади, дея тушунтирган компаниянинг собиқ ходими, менежер Фрэнсис Хауген.